

Ишончни мустаҳкамлаш керак

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Оқшомчи

Газете 1966 йил 1 июлдан микра бошлаган.

№ 293 (7. 382)

1990 йил 24 декабрь, душанба

Баҳоси 3 тийиқ

ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида

22 декабрда ССЖИ халқ депутатлари мамлакат Конституцияси Ҳаракатининг йиғилишида...

Кечки мажлисда ССЖИ Олий Кенгаши раиси А. Лукьянов депутатларнинг қонунга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги таклифлари ва қўшимчалари ҳақида батафсил ахборот берди.

Шаҳар партия қўмитасининг пленуми

22 декабрда Чилонзор ноҳиясида Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитасининг III сайёр пленуми бўлиб ўтди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди иккинчи босқичи якунилари ҳамда шаҳар партия ташкилотининг Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурига амалга ошириш юзасидан вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Сайёр пленумда шунингдек, ҳудудий партия ташкилотларининг шаҳар сийёси, иқтисодий ва маънавий ҳаётини янгилашдаги асосий вазифалари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Пленум қатнашчиларининг натижаларида шаҳар партия ташкилоти фаолияти устуни йўналишлари бўйича аниқ таклифлар айтилди. Улар шаҳар партия ташкилоти ҳаракат дастури асосига қўйилди.

Пленум шаҳар партия қўмитаси комиссияларига ушбу ҳаракат дастурига амалга ошириш вазифаларига тўла аниқлик киритишни топширди.

(Пленум ҳақидаги ҳисобот эълон қилинади).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлисида «Тошкентнинг тарихий хотири» — шаҳар аҳолисини ватанпарварлик ва байналмиллик ҳиссида тарбиялаш ҳамда маънавий янгилашнинг асосий дастури мазмунини асосий йўналишлари бўйича кўриб чиқилди.

Ушбу масалани муҳокама қилишда тарихий ва архитектура ёдгорликларини сақлаш, уларга авайлаб муносабатда бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.


Таклиф этилган ҳужжат лойиҳасида янги вақт ичида илмий-тарихий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган барча объектларнинг умумшаҳар рўйхатини тузиш, мавжуд ҳамма моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини сақлаш ва таъминлаш режа мазмунини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек аниқлаш халқ ҳунармандчилигини тиклаш ва ривожлантириш тавсия этилди.

Тошкентнинг тарихи ва бугунги кунги тўғрисидаги билимларини оммалаштиришга алоҳида эътибор берилган. Шаҳар Кенгаши раёсатининг аъзолари бу ишга маданият, тарих ва маънавий ёдгорликларини муҳофаза этиш, «Билдик» жамаиоти ташкилот ва муассасаларини, оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини фаолиятли раёсатларини киритишди.

Ушбу дастур мазмунини асосий йўналишлари тўғрисида пойтахт аҳолисини фикрнинг ўрганиш ва ҳисобга олиш мақсадида ҳужжат лойиҳасини муҳокама этиш учун «Тошкент оқшомчи» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларида эълон қилиш тавсия этилди.

Раёсат Тошкент шаҳар Кенгаши атамалар комиссияси тўғрисидаги ишончини ва ушбу комиссия таркибининг тасдиқланди. Ушбу масалани муҳокама қилишда атамалар комиссияси аъзоларининг диққати қўчалар, даҳалар, майдонлар номларини ўзгариштириш масаласига гоят катта эътибор берилди. Маълумки ёндоқшар қаратилди. Бунда у ёни бу номнинг тарихи қандай пайдо бўлганига, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги аҳамиятига, Тошкентнинг пойтахт хусусиятини ҳисобга олиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Атамачиликни тартибга солиш шаҳар тарихи ва бугунги кунини буткул қайтадан кўриб чиқиш тадбирига айланиб қолмаслиги зарур. Бунда шаҳарнинг маънавий имкониятларидан ҳам келиб чиқиш лозим.

Раёсат мажлисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқилди.



Сўнги йилларда замонавий пойабзалларга талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун жумҳурият пойабзал моддалари үйи мамлакат янги модадаги турли-туман оёқ кийимларини чиниб чиқариш йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Д. Ашурова, ишчи В. Йўлдошев ва цех бошлиғи Х. Ҳожижонов пойабзалларнинг сифатини кўздан кечирмоқда. Р. Шарипов сурати.



Сиз суратда кўриб турган Тошкент ишларини таъмирлаш корхонасининг илгори Усмон Муқимжоновдир. У зинга тонширилган ишларини ҳаминша сифатли адо этади. Т. Каримов сурати.

• Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

УЮШМА ИШ БОШЛАДИ

ҚИЗИЛ ШАРҚЧИЛАР ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС МАНЗИЛ-ГОҲИДА ЭРТА ОСИЕ ВА ҚОЗОҒИСТИН МИНТАКАЛАРИ ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАЎБАР ҚОДИМАЛАРИ ЯНГИЛИКНИ БУЛИБ УТДИ.

Бутуниттифок шаҳар электр транспорти корхоналари уюшмаси қарорига биноан шу уюшма аъзоси О. Тирбах бошчилигида ўтказилган йиғилишда Эрта Осие ва Қозоғистон жумҳуриятлари шаҳар электр транспорти уюшмасини тузиш ва унинг режаларини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар иқтисод қўмитаси раиси муовини С. И. Парфенов, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Х. С. Мақамовлар электр тарнослари хизматини яхшилашда ўзроқ тажрибалар алмашиш, техникавий ёрдам ва бозор иқтисодиётига ўттишда шаҳар йўловчи транспортлари хизмати ягона буюртмачи усулига ўтадими, ўтган тақдирда янги ҳақ тўлаш системаси қандай бўлади — шулар ҳақида фикр юритдилар.

Нотиқлардан Тошкент темир йўллари олийгоҳининг профессори В. Вилкович институтда янги ихтисос — шаҳар электр транспорти муҳандислари тайёрлаш кулибети очилишини маълум қилди. Олийгоҳ Эрта Осие ва Қозоғистон минтақасидаги электр транспорти корхоналарига етук мутахассислар етказиб бериш учун 1991 йилдан шартнома асосида талабалар қабул қилади. 1997 йилдан корхоналарини ҳар йили 30—35 та етук мутахассис муҳандислар билан таъминлайди.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. С. Мақамов Эрта Осие ва Қозоғистон минтақасида уюшмасининг раиси этиб сайланди. С. АЛИЕВ, «Мотор» рўзномаси хондари.

МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПЕДАГОГЛАР ЖАМАИЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТАРАҚҚИЯТИГА МУНОСАБИТ ХИССАСИНИ КЎШИБ КЕЛМОҚДА. Унинг вилоятлар шаҳар ва ноҳияларидаги ташкилотлари йўли билан ўнгувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида педагогик билимлар кенг тарғиб қилиниб, илгор методик усулларини таълим жараёнига тадбиқ этишга муваффақ бўлмоқдалар.

Бу бордада қилинган педагогик тарғибот ишлари жамиятининг янгида Тошкентда бўлиб ўтган Пленумда атрофда кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазири К. Юсупов «Жумҳурият халқ таълимининг муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари» тўғрисидаги маърузасида ҳамда бош-

ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

БУТУНИТИФОҚ ПИОНЕРЛАР ЛАГЕРИ «АРТЕК»ДА ЯҚИНДА ЯНА БИР ИБРАТИЛИ ТАДБИР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ СЕВМЛИ ДАРҒОХИГА АЙЛАНГАН БУ СУЛИМ БОҒДА ЁШ МУХБИРЛАР ВАКИЛЛАРИ УЧРАШУВИ БУЛИБ УТДИ.

Еш мухбирларнинг Бутуниттифок фестивалида Ўзбекистондан ҳам бир гуруҳ ёш қаламшак қатнашиб, ўз қобилияти ва иқтидорларини намоён этдилар. Жумладан, Тошкентдаги 84-ўрта мактабининг истебодли ўқувчиси Р. Акрамова ҳам иқтидорли кўришда фаолият кўрсатди.

Фестивал доирасида ушбу ирилган танловлар ҳам қўлини еш истебодлар билан қўлини намоён этди. «Ўйна шаҳар» танлов ўйналар қўлинида қўлини уйғотди. Унда Ўзбек болаларининг «Оқ теракми, қўқ терак...» индий йўлини ҳам меҳмонларга ўргатди. А. ВАЛИЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОНИМ»ГА ЯРАТИЛГАН КУЙ

ШОИР АБДУЛЛА ОРИПОВ. НИНГ ТАЛАЙИГА ҲАРАРАТЛИ ШЕЪРАЛАР ЖОЗИБАДОР ҚУШИҚЛАР УЧУН АССОС БУЛДИ.

Серқуёш дилримизни мадҳ этувчи мажор асар бастароқ Ф. Алимовнинг энг яхши ижод намуналаридан бири бўлди. «Ўзбекистоним» кўнги би хонанда М. Сатторов томонидан ўзига ҳо кўнгириш руҳда завқли ижро этилмоқда. Инги асар Тўхтаевни Жадилов номидаги Ўзбекистон Давлат халқ оғули асбоблари оркестри жўрлигида яқинда илбор баралла янгради. Ушбу концертда умидли хонанда қайта ишлаган «Самарқанд ушшоғи» кўнгиини ҳам завқ-шавқ билан куйлади. А. АЛИЕВ.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Деҳқонлар уюшмаси кенгаши раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари жумҳурият Олий Кенгашига тақдим этилган ушбу уюшма тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан танишдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган кенгашида КПСС Марказий Қўмитаси ва ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Орол юзасидан қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Молдова ССЖда аҳолини барқарорлаштириш бўйича чоралар тўғрисида фармон қабул қилди. Кеча Кишинёвда «Фукорлар келишув» шори остида меҳнатқилар, партия, хотин-қизлар ва ешлар ташкилотлари, уруш фахрийлари томонидан ташкил этилган митингга бу фармон қўллаб-қувватланди.

Куйбишев вилоят Кенгаши бу вилоят ва Куйбишев шаҳрига солиқ тарихий ном — Самарани қайтариш тўғрисида қарор қабул қилди.

22 декабрда Белгород вилоятининг Ельниково станцияси яқинида бўлиб ўтган темир йўл фалокати оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда 7 киши ҳалок бўлди, 48 киши жароҳатланди.

Грузияда ички қўшинлар — миллий гвардия тузишга киришилди. Бу қўшин жумҳурият Олий Кенгаши қабул қилган қонунга мувофиқ тузилаётди.

ХОРИЖДА

Саудия Арабистони, Кувейт ва Бирлашган Араб Амирликлари Совет Итифогига түрт миллиард доллар миқдорда қара беришга қарор қилдилар.

Югославия таркибидagi Хорватия собори (парламенти) ўзини овоз ва мустақил давлат, деб эълон қилди. Югославиянинг яна бир жумҳурияти — Словения ҳам яқинда кунини ўзини мустақил давлат деб эълон қилиш масаласини умумхалқ овоз беришга қўйди.

Уй-жой қурилиши—«Оқшом» назоратида

Чилонзор даҳасининг 30-маърадада қўйлаб осмон-улар бинолар қад ростлапти. Шулардан бири йирик ҳажмли темир-бетон буюмлардан барпо этилаётган 12 қаватли уй-жой буюмдорлари «11-баланд уйлар қуриш» трестини 1-директор бошқармасининг Олимжон Қирғизбоев бошлиқ бригадаси жамоаси иши билан танишди.

Жами 174 хондонга мўлжалланган уй-жой биносини бунёд этишмиш,— дейди иш юритувчи Бахтиёр Турсунқулов биз билан суҳбатда. — Лойиҳа қиймати 2 миллион 800 миң сўм бўлган мажор буюм қурилиши шу йилнинг 1 қаватидан бошлаб, 1992 йилнинг сўнги кварталда фойдаланишга топширишни режалаштирганмиш. Бинони ўз мўддатига топшириш учун ҳаракат қилаямиз. Бироқ, келинг яхшии камчиликлар ҳақида гапирай. Агар эътибор берган бўлсангиз биринчи буюми саккизинчи қаватга тиклаб қўйди. Лекин нарисги томондаги томхона остига ўрнатилган консолни шу вақтга қаватдан қила олмаймиш. Шунинг учун ҳам буюм худди бир қўли йўқ одамга ўхшаб қолган. Бунинг боиси салкам уч ойдан бери 1-темир-бетон буюмлари заводидан шу конструкцияларни ололмаётганимишда. Уни кутиб ўтирсак, вақт кетди. Нойлоб буюм қаватларини барпо этишимиз. Ҳаш-паш дегунча санъатини қаватга ҳам чиқиб олди. Кейинчалик уларини ҳар бир қаватга пайванд қилиб чиқишни ўзи бўладими? Хуллас, қийналадиган бўлди-да.

қайта қўздан кечирилиб, зарур таклиф ва мулоҳазалар лойиҳачиларга айтилди. Биргалича камчиликлар бартарф этилади. Шундан сўнг қурилиш бошқармасида иш бир бор кўриб чиқилганда бош муҳандиснинг илмозий қўйлиб ишлаб чиқаришга тадбиқ этилади. Қўйлаб ҳодимлар фақат шунинг учун машо оладилар. Бироқ қизмалар қанча қўздан қўлга ўтмасин қурилиш жараёнидан ундан барибир жуда кўп камчиликлар топилди.

Бундан икки ой олдин буюртма берган материал қўлиб, бошқарсини олиб келишаваради, мен бир-иқки марта уларни қабул қилмай орқасига қайтариб юборган. Бундан кейин улар умуман материал бермай қўйишди. Яна илтимослар-у, ялинишлар билан материалларни ола бошладим.

Кеза келганда «Ташгирогор» илмоғи лойиҳачилари шайнча баъзи танқидий фикрларини билдиришди. Улар ҳар бир лойиҳа устида қандай қилиб ишлайдилар. Сўнг тайёр бўлган лойиҳа қурилиш трестига юборилди. Трестнинг техника бўлимида у


Масалан, биз 6-темир-бетон буюмлари заводидан гисдан тайёрланган тайёр ҳолдаги сантехабиналар оламиз. Лойиҳада кўрсатилишича, ванина билан унитаз бир хонанда жойлаштири керак. Заводдан келтирилган сантехабиналарда эса бу юнхулар алоҳида хоналарда жойлашган. Бундай катта ҳажмидаги қурилиш биз аяқратган жойга, яиниқса биз хонани хондонга сингайди албатта. Бунинг устига сантехабиналар лойиҳада кўрсатилгандан 5—10 сантиметр баланд. Ўзлар заводдан нухамроқ биз лойиҳани ҳам буюмга мос тушидан қилиб тайёрлаб беришни сўрадик. Улар эса бунга яраша қўйиллар йўқ

Бундай ҳолат тез-тез бўлиб турадими?

Бу — қурилишдаги тузалмас қасалик. Наранг, маня бу қозғола боллар-чамиз номидан темир-бетон буюмлари заводига бир

ТУЗАЛМАС КАСАЛЛИК

Бугунги кун нафаси



М. ОТАХОНОВ, қурувчи.

Депутатлар фаолияти

ХАР неч индан хориб қайтган Мастура онаи бир бирдан ширин набирларнинг шодон кулгусига тўлган хонадонда лобар келинлари табассум билан қарши олинади.

учини билмадим, маҳалла аҳли менга оғанимдек қадрдон бўлиб қолган. — дейди Мастура она. — Улар ишончини шараф билан оқлаш ниятида ноҳия кенгашига депутат этиб сайланганимдан сўнг сайловчиларимдан тушган топшириқларни бажаришга астойдил киришимди. У аёл депутат сифатида ишни хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш, уларга енгилликлар яратишдан бошлади. Яъни маҳалла аҳли сўровига кўра, анча узоқда жойлашган 12-

кент Давлат педагогика олийгоҳи талабалари топшириғига биноан улар ишайдиган ётоқхонага шаҳарлараро телефон тармоғи ўрнатилди. Шунингдек, мактаб яқинидаги Гончаров кўчасида истикомат қилувчи аҳоли талабига кўра ўша кўчага канализация ўтказиш масаласи ҳам бевосита Мастура онанинг ердимида ҳал этилди. Айниқса, шу мактабда фаррош бўлиб ишловчи кўп болалар аёлининг қувончига ҳам бирдек шерик бўлди. Сабаби янги уй учун 10 йилдан буён навбатда туриб уй ололмаётган бу аёлга Мастура Тўйчиевнинг аравашуви туғайли Сергелли мавзесидан янги беш хонали квартира ажратилди. Бундан ташқари, Мастура онанинг маориф ва таълим-тарбия соҳасини янада яқинроқ топшириқлари ҳам талайгина. Масалан, эндиликда ўзбек тилига Давлат мақоми берилиши ва эски анъана урф-одатларимизнинг қадриятларимизнинг тикланишига, ўзгаришга интиқ бўлганимиз, муносабати билан ота-оналар мактабда ўқувчиларга эски ўзбек ёзувини ўргатиш масаласида мурожаат этилди. Улар талабига кўра, шу йилдан бошлаб тўртта 2-синфга, тўртта 3-синфга ва битта 4-синфга эски ўзбек ёзуви фан сифатида киритилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб намоол топшириги учун мактабнинг ўзига махсус спорт комплекси ташкил этиш, қозасидан Мастура Тўйчиевна депутат сифатида тегишли ташкилотларга мурожаат этди. Натижанда бу ишосити 1992 — 1993 йилги ўқув йилида кўриб битказишни ноҳия режасига киритилди.

ЭЛ ҚИЗИ

туғруқхонадаги хотин-қизлар консултациясини яқинроқ жойга кўчиришга, шунингдек 3-бўла-лар поликлиникасини ҳам маҳалла аҳли учун, оналар учун қўлай жойга кўчириб келтиришга муваффақ бўлди.


Бундан ташқари, депутатлар гуруҳи билан биргаликда маҳалладаги тўртта катта кўча ва битта тор кўчага тунги чироқлар ўрнатилди. — Мастура — маҳалламизнинг ўз қизи. Депутат сифатида ҳам ишончимизни бекам-қўст оқламоқда. — дейди «Тўқимачи» маҳалла қўмитаси раиси Тўроббек ака Усмонов. — Маҳаллада қандай маросим ёни тўй-ҳашам бўлмасин, Мастуранинг бошчилигида ўтмайди сира. Мастура Тўйчиевна Юсупованинг ноёб инсоний фаилатларини, ишбилармонлигини ҳисобга олган 144-мактаб жамоаси унга яна бир қарра катта ишонч билдиришди ва унинг номозидан шу йилги сайловларда шаҳар Кенгаши депутатлигига тавсия этишди. — Шаҳар Кенгаши депутатлик инимамга катта масъулият юқлади. — дейди Мастура Тўйчиевна. — Мегаки, эндиликда мен ҳам маҳалладошларим, ҳам мактаб жамоаси билдирган юксак ишончини ҳам оқлашим, депутат сифатида улар хизматига бўлиб, ҳал этолмаётган муаммоларини еччида қўмак беришим лозим. Ҳа, у чиндан ҳам халқ ноиб этиб сайлангандан буён унга ишонч билдирган аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Жумладан, Низомий номли Тош-

кент Давлат педагогика олийгоҳи талабалари топшириғига биноан улар ишайдиган ётоқхонага шаҳарлараро телефон тармоғи ўрнатилди. Шунингдек, мактаб яқинидаги Гончаров кўчасида истикомат қилувчи аҳоли талабига кўра ўша кўчага канализация ўтказиш масаласи ҳам бевосита Мастура онанинг ердимида ҳал этилди. Айниқса, шу мактабда фаррош бўлиб ишловчи кўп болалар аёлининг қувончига ҳам бирдек шерик бўлди. Сабаби янги уй учун 10 йилдан буён навбатда туриб уй ололмаётган бу аёлга Мастура Тўйчиевнинг аравашуви туғайли Сергелли мавзесидан янги беш хонали квартира ажратилди. Бундан ташқари, Мастура онанинг маориф ва таълим-тарбия соҳасини янада яқинроқ топшириқлари ҳам талайгина. Масалан, эндиликда ўзбек тилига Давлат мақоми берилиши ва эски анъана урф-одатларимизнинг қадриятларимизнинг тикланишига, ўзгаришга интиқ бўлганимиз, муносабати билан ота-оналар мактабда ўқувчиларга эски ўзбек ёзувини ўргатиш масаласида мурожаат этилди. Улар талабига кўра, шу йилдан бошлаб тўртта 2-синфга, тўртта 3-синфга ва битта 4-синфга эски ўзбек ёзуви фан сифатида киритилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб намоол топшириги учун мактабнинг ўзига махсус спорт комплекси ташкил этиш, қозасидан Мастура Тўйчиевна депутат сифатида тегишли ташкилотларга мурожаат этди. Натижанда бу ишосити 1992 — 1993 йилги ўқув йилида кўриб битказишни ноҳия режасига киритилди.

Мастура она нафақат педагог, депутат ёки хотин-қизлар кенгашининг аъзоси сифатида, балки беш фарзандни воёга етказган она сифатида ҳам маҳаллада обрў-эътибор тошган. Онанинг икки ўғил, икки келини ва уч қизи ҳамда саккиз набираси ҳавас қилса арзийдиган ахлоқли, ўзи наби тиниб-тинимас, меҳнаткаш, ҳақол инсонлар бўлиб етишган. — Тадбиркор аёл бошқарган онла сира завол топмайди, сабаби, рўзгорини файзу баракиси шу аёл қўлида. — дейди Мастура она.

Ҳа, бу гапда жон бор. Зотан, аёл — оиланинг таъини акани ҳам барчага маълум. Бунинг олдига аёл, меҳрибон она, ширинсухан депутат, ишбилармон директор, хотин-қизларнинг аниқни маслаҳатчиси бўлган Мастура она Юсуповна мисолида кўришимиз мумкин.

Зулфия ДҲСМУХАМЕДОВА.



Сиз суратда кўриб турган В. Трубкин Тошкент тепповозларни таъмирлаш корхонасида токар бўлиб ишлайди. Бу мураббий ишчи ишларнинг сезимли устоин сифатида танилган. В. Таматаев сурати.

Ишлаб чиқариш амалиёти бошланди

ЯКИНДА ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИДА ВЬЕТНАМЛИК ЕШЛАРДАН ИБОРАТ ИЛСОН ШАХАР УРГА ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ КОРТИ ГУРУХИНИНГ БЕВОСИТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИ БОШЛАДИ.

Корхонанинг бир қатор ишлаб чиқариш бўлимларида 56 кишини ташкил этган бўлажак чилангар-асбоб соғлар, токарлар пайвандчилар ўзларининг назарий билимларининг амалий пойдеворини мустаҳкамлайдилар.

Бу воқеанинг гайритаъиний жоний йўқ. — дейди завод ўқув таълим бўлими бошлиғи С. И. Соловьева. — Иккала томоннинг келишувига мувофиқ 11 билим юрти талабалари бўлган кўнгилнамет элликлар келиб кетди. Улар орасида вьетнамликлар, лаосликлар ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан келганлар бор. 1989 йилгача чет эллик амалиётчилар корхонамизда ҳақ олишмасди. Утган йилдан бошлади, уларга шўро талабалари сингари иш ҳақи тўлай бошланди. Бу ўз навбатида иш унмудорлигининг ўсишига, итисмонининг яхшиланишига олиб келди.

Т. НУРМУХАМЕДОВ, «Ишчи овози» рўномасининг мухбири.

Техника тараққиёти йўлидан БОШҚАРУВНИНГ ҚОҒОЗСИЗ ТЕХНОЛОГИЯСИ

БОЗОР иқтисодиётига ўттиш, космик фазонинг ағаллаш, ядро энергетикасини ривожлантиришда ЭХМнинг ролу бениҳос катта эди. Сўнгги йилларда бу борани янгиликларнинг жорий этилиши инсон — машина комплексларини бузди эшитса, эртанги кунга навбат ташлашга, катта самаратга эга бўлган бошқарув системаларини бунёд этишга олиб келди. ЭХМ хотирасида фақат рақам ва программа кўришидагина эмас, балки библиография, мақола, рисола, кинофильмлар, самолёт, поезд, автобус жадаллари, банк маълумотлари ваби хоҳлаган ахборотларни сақлаш олади. Кўришиб турибдики катта хотирага эга бўлган ҳисоблаш маркази турларини бунёд этиш энг аввало бошқарув системаларини мукамаллаштириш ва соддалаштириш имконини берди.

Бугунги кунда саводли кишини фақат машина ҳайдаш, машинада чоп этиш эмас, компьютерда ишлашни ҳам билишни таязоз этилмоқда. Шахсий компьютер иммони чексиз бўлмасида аниқланчирди. Компьютер-телефон орқали ҳисоблаш маркази билан боғланиб турли хил молявий, хўжалик ва илмий ахборотларни олиш мумкин. Уйда ўтириб самолёт, поездга билет буорини, омонат насага мурожаат этиш, дўконлар билан мулоқотда бўлиш имкони бор. Агар хонадон соҳиби олим, муҳандис, архитектор, шифокор, педагог бўлса, ўз соҳалари бўйича керакли ахборотларни олиш мумкин. Ўз кутубхонаси бўлмаганлар шахсий компьютерларидан хоҳлаган китоб, илмий қўлланма, рисола, мақолаларни ўқий оладилар. Ҳатто уйда ўти-

риб давлат хизматини амалга ошириш мумкин бўлади. Бундан киши ўзини асабуру зарилардан сақлайди. Соғлиқ, саломатлик учун шартшароит тугилди. Бу айниқса носоглом бўлган кўп болалар учун жууда ҳам қўлайдир. Бундай электрон хонадонлар кундан-кунга кўпайиб борапти.

Шахсий компьютер бошқаруви, у ёки бу қарорни қабул этиш жараёнида муваффақият билан қўлланмоқда. Бошқарувнинг қоғозсиз технологияси ана шу тарзда юзатга кезляпти.

Элситиб ўтганимиздан бошқарувнинг асосини ахборот ташкили элади. Агар биз сўхбатдошимиз хулқ-атворини, характерини чуқур ўрганиб чиқмас эканмиз у билан бўладиган мулоқотимиз мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бир нуруний қарни 110 ёшдан олганида, узоқ умр кўрадилли сабабини сўрашганда шундай жавоб берган экан: «Мен аввало гийбатни ёқтирмаганман, иккинчидан, ўзим билан мулоқотда бўлувчи шахс ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасам, у билан бекорчи сўхбат ва тортишувга вақт ажратмайман». Отақонинг бу гапиди катта мазмун бор, албатта. Яъни саломатликни, асабини сақлаш учун унга салбий таъсир этувчи омиллар ва ахборотларга тўла эга бўлинсагина, уни бошқариш осон кўлади. Шунинг учун маълумот бир қарор қабул қилиш учун турли хил маълумот, ҳисобот, баланслардан фойдаланилади. Бошлангич статистика ҳисоботлардан керакли маълумотни олиш учун бошқарув ходимлари жууда кўп қимматли вақт сарфлашади. Келгусида шахсий компьютер ва ЭХМ турларининг бошқариш жараёни тубдан ўзгартирилиши керак. Манжууд бошқарув системасининг ҳаммаси қайта қурилиши керак. Ана шундангина ушбу жараёни айтири самава берди. Фақат бунинг учун саводхонликни янги поғонага кўтариш, идора ходимларини қайтадан ўқитиш ва янги структураларни ташкил этишга тўғри келди. Ҳамма гап шундаки, қоғозсиз технология фақатгина ахборот тўлиқ ва хоҳлаган пайтда ҳаракатда бўлган, дагина амалга ошириш мумкин. Демак энг қийин ва муҳим масалалардан бири идоралараро олинган ахборотдан ягона банк маълумотларига ўттилиши керак. Шахсий компьютерларнинг кенг тарзда қўлланилиши жамоатчилик ҳаётида катта илгарилик келди. Яқин йилларда ҳамма чоп этиш, босма ишлари биринчи навбатда илмий маълумотлар магнит лентасига ўтказилди ва ҳар бир шахсий компьютер эгани хоҳлаган илмий ахборот билан таъиниш ва ундан фойдаланиш имконига эга бўлди. Худди шунингдек кинофильмлар, телекўрсатувлар ҳам шахсий компьютернинг хизматига ўтказилиб хоҳлаган одам хоҳлаган вақтда истаган кино ёки кўрсатувни томоша қила оладиган бўлади. Албатта бу наби янгиликлар ҳаёда чуқур социал ўзгаришлар сабаби бўлиб ҳисобланади.

Н. МҲМИНОВ, жумҳурият Фанлар академияси «Кибрнетика» илмий ишлаб чиқариш бишламаси бош директорининг ўринбосари, «Ахборотдаштириш ва ҳисоблаш техникаси» Бунтунитиқожи яминияти бошқарувининг аъзоси, техника фанлари доктори, профессор.

Шаҳар хўжалиги мавзуида СУСТКАШЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

ШУ кунларда Акмал Икромов ноҳияси аҳолисидадн биринчи йилдан қор муносабати билан қорхондан кимдан нима сўрайдигани, деб қўлиси борми, уларнинг қўлисини мутасаддилардан қишга тайёргарлик ишларини ниҳоятсига етказишларини тиллардик, деб жавоб қайтарилмади.

Бу бор гап. Ноҳияда кичик муассасаларни қўйинг, ҳатто катта ташкилотларда ҳам бўлиб қолсангиз, совуқ хоналарда жунжикиб, электр иситкичларини ёқиб ўтирган ходимларни кўрасиз. Ахир, бу ердаги иситиш тармоқлари алоҳида этибторга муҳтож бўлганидан кейин улар нима қилишсин?

Мава қиш ҳам келди. Виннинг назаринида у хо-риятмалдик кайфиятига берилганларга ўзингизни қўлга олиниг, олданда ҳали қилишини яланғочлаган совуқлар турибди, деветганга ўхшайди. Аммо бу оғохлан-тиришлар кошқ турар жойлардан фойдаланиш бошқармаларининг мутахассисларига қор қилса, Улар учун қиш ҳам, ёз ҳам барбар, бўлмаса, аллақачон иситиш тармоқларини ҳамма ерда бирдек ишлашга эришган бўларди. Бу билан биз фақат иситиш тармоқларини соғлаш билангина ҳамма ишлар жойига тушиб кетади, димоқчи эмасми. Ер-

ташқарида сув чанкилаб томиб ётган уйлар каптал ташкиллаган муҳтож хоналар борки, уларда яшовчиларнинг ҳаратидан ҳалатгача чанг чиқмоқда. — Одамлар Оролга сув керак, деб солишади, — дейди «Чилонзор — 12» мавзесидида 24-уйнинг 1-хонадонидида яшовчи М. Расуллова. — Шундай кишиларга қанча сув керак бўлса бизнинг уйнинг ертўласидан олинган, дегимиз келди. Қувурлари носоз ҳолга келиб қолганидан ертўлани ҳар дом сув босиб етди. Ертўлада сунъий сувнинг тўпланишида «4 а» — уйнинг ҳам «ҳиссаси» бор. Унинг ертўласига йилгилан сувни уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасидан келган ишчилар насос орқали чиқариб ташлашади. Аммо «4 а» уйнинг ертўласидан чиқариб ташланган сув аллақандай йўл билан сув яшаётган уйнинг ертўласида пайдо бўлиб қолади. Сув оқизилган кунини уйнинг тагини кўриб бўлмайди. Йўлчалар қараб бўлмайдиган даражага келиб қолади.

Бу ташвишлар бошимизга тушганига мава бир йилдан ошди. Ноҳия раҳбарларига мава бор, ёзма раҳбарларга ердан сўраб мурожаат қилдик. Улардан олинган жавобда сувни бошқа томонга оқизилиши, айтил-

ган экан, ишондик. Икки йрим ой хотиржам яшадик. Афсуски, қувончимиз узоққа кўчмади. 31 августдан бошлаб ертўламизни яна сув босиб етибди. Шунча пайтда бери қуришилмаган, сув босиб ётган ертўладан энди нимами куттиш мумкин? Бизни хавотирга солаётган наржа шу вақти келиб хонамизнинг деворларини зах, моғор босиб кетмаси бўлгани. Чунки 24-уйнинг тоқ рақамли чикиш жойларига жойлашган айрим хонадонларни шу ташвишдан ҳозир тинчи бузилган. Сувоқлари, гул қоғозлари кўчиб тушмоқда. Афсуски, бу ташвишдан бошқа уйларда яшовчилар ҳам ҳоли эмас. Айниқса, «Чилонзор — 24» мавзесига қарашли 43-уйнинг ағалари қаттиқ қийналишмоқда. Уйнинг 47-хонадонига кириб борганимизда зах тортиб кетган тўрт девор ичда 80 ёшли отахон Самин Мухамедов ва унинг беомор рафиқаси Л. Мухамедова мунга йиб ўтиришарди. Уларнинг айтишича, хонадон алоҳида этибторга муҳтож. Пол зах, ваннага дейрали қараб бўлмайди. Деворнинг айрим жойлари нам тортигандан сувоқлари кўчиб кетган. Бу уйга Акмал Икромов ноҳиясидаги 2-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси хизмат кўрсатганин керак. Аммо бу хизматнинг ҳамма

эпидишини таъминлаб турар эди. Эндиликда эса бу пружиналарнинг кўп қисми ишдан чиқиб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Тўғри, бу муаммоларни бартараф этиш учун бошқарманинг материал таъминоти яқин бўлиши керак. Ҳўш, шундай экан, айни кунларда бошқарма ходимлари эҳтиёт қисмларга эгани? Ана шу савол билан уста Кураш Мақсудовга мурожаат этганимизда у тўрт ойдан буён турар жойлардан фойдаланиш бирлашмаси оғибори епиклигини айтиди. Бунинг авазига ширкатлар орқали, уларнинг ердими билан айрим эҳтиёт қисмларини олишти тўғри келмоқда. Аммо ҳар дом ҳам ширкат бошқармаси сушга

айрим материаллар билан таъминлашга қодир эмас-ку? Линия усталари одамларга яқинлиқ қилишни, мушкулни енгил этишни хоҳлашади. Бироқ уларга тақсимланган иш хажми анча катта. Айниқса, иссиқлик уланганда уларнинг ташвишига яна ташвиш қўшилиди. Негаки эскирган, вақти ўттиб қолаётган қувурларни алмаштириш, янгилаш керак. Қолаверса, яна бошқа қатор ишлар ҳам йўқ эмас. Агар эҳтиёт қисмлар, бошқа анжомлар бўлганида бу ишларнинг ҳаммаси бунчалик ўткир муаммога айланиб қолмаган бўларди. Яна бир гап: бошқармада ўтган икки йил ичда бешта бошқарувчи бўш муҳандислар

ҳам мумкин ишлаб кета олишмайпти. Ҳозир ҳам шундай. 2-турар жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошқарувчи лавозими ҳали ҳам бўш турибди. Шундай шароитда линия усталари ўз имкониятларидан келиб чиқиб ишламоқдалар. Бу ҳол яна қачонгача давом этаркин? Бошқарманинг фаолиятида қачон ўзгариш бўларкин?

Р. АҲМАДАЛИЕВ, З. СОКОЛОВ.

СУРАТЛАРДА: Чилонзорнинг 24-мавзесидида 43-уйнинг қишга тайёргарлик қилиш жойи; шу уйнинг 47-хонадонидида умумий манзара бутуни кунда шундай аянчли ахволда. З. Соколов суратлари.





АДАБИЁТ ва САНЪАТ

ТИЖОРАТ ЖАБРАРАРИ ВА ЭЪЛОМАТ

Тошкент—Уйгур мухтор ноҳияси

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ— АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ

СўНГИ йилларда Хитой Халқ Жумҳурияти билан Совет Иттифоқи, жумладан, Уйгур мухтор ноҳияси билан Ўзбекистон Уртасида дўстлик алоқалари мустақамлашиб бормоқда. Бу яқинлашув икки мамлакат иқдорларининг дўстлигини мустақамламоқда. Утган йили бир қатор иқдорларимиз, жумладан, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Ғофуров, Усмон Азимовлар Пекин ва Урумчи шаҳарларида иқдор мулоқотда бўлиб қайтишган бўлса, Хитой Халқ Жумҳуриятидан ҳам бир қатор фан ва маданият арбоблари, ёзувчи, шoirлар Ўзбекистонга келиб иқдор режалари билан ўртоқлашди, икки халқ ўртасида иқдор ва маданий алоқалари янада мустақамлаш борасида дўстона суҳбатлар қуришди.

Ўзбекистонга келган уйгур иқдорларидан бири Абдукарим Мақсуддир. Абдукарим Мақсуд асли Ғуля шаҳридан. У узоқ йиллар мактабларда муаллимлик қилди. Ҳозирда Уйгур мухтор ноҳиясининг маркази бўлиши Урумчи шаҳрида яшай, иқдор этмоқда. У «Нечи Урумчи» рўномаси адабиёт бўлимининг мудиридир. Абдукарим Мақсуд «Тўлиқ ой», «Олмазор Ноҳиялари», «Кўнгли тилакларини», «Эҳтимолни синаб кўринг» каби шеър тўпламларининг муаллифидир. Абдукарим ана Ўзбекистонда ҳам бир қатор шеърлар ёзди. «Кўчоқлашим, бағрим қошмади...», «Севги ўти қанчалар кўзлар» номли шеърлар шунлар жумласидир. Яқинда Тошкентдаги Алишер Навоий номли театрдан улут ёзувчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган нечада қатнашган Абдукарим ака! Ингиландан сўнг: «Шу кунларга етказганга шукр, Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар»ини мен бир дўстимдан топиб дафтарга кўчириб олиб ўқигандим. Бу кун улут адабнинг таваллуди Ингиландида иштирок этаётганимдан хурсандим. Абдулла Қодирийни уйгур халқи ҳам жуда севиб ўқийди. У ўз ёзувчимиздир...» деди.

Истеъдодли уйгур адаби Турсун Юнус ҳам Абдукарим Мақсуд билан биргаликда Урумчида нашр этиладиган «Нечи урумчи» рўномасининг адабиёт бўлимида ишлади. Адабиётнинг «Тўзимас гул», «Қизил шаф», «Хабт оинони» каби қисса ва хикoyalар тўпламлари аллақачон ўқувчилар муҳаббатига сазовор бўлган.

Турсун Юнус таниқли уйгур адабси, «Қумил адабиети» ойнасининг бош муҳаррири Ойшам Аҳмад билан Ўзбекистонда бўлган кезларида жум-

хуриятимизнинг иқлими, одамларимизнинг яшаш тарзи билан яқиндан танишди. Ойшам Аҳмад бир қанча хикoyalар тўпламларининг муаллифи. Шунингдек, адаб яқинда «Учмас излар» тарихий романини чоп эттирди.

Ойшам Аҳмад, Турсун Юнус, Абдукарим Мақсудлар қадимий Самарқанднинг тарихий обидларини кўриб, яраткан асарларига мавзу олиб қайтган бўлсалар, яна бир меҳмонимиз уйгур шоири Қодир Булок Андикон, Наманган, Қўва шаҳарларида ҳамда кўшни Қирғизистоннинг Уш шаҳрида бўлиб унинг гўзал табияти, серзаҳ одамлари билан ошно бўлиб, бир қатор шеърлар яратиб қайтди. Қодир ака қадимий Қашғар шаҳридан, Маънавий саломизин Махмуд Қошғарийнинг туپроғида туғилган. Халқ йўлида иқдор қилади. Қодир Булок иқдор этиш билан биргаликда, қадимий қўлемаларни топиб нашр эттиришда хизматлари катта. Қодир ака ўз шахсий китоб дўноғида уйгур ва ўзбек адабларининг китобларини сотади. Халққа маърифат тарқатади.

Яна бир азиз меҳмонимиз таниқли уйгур ёзувчиси ХХЖ Ёзувчилар уюшмасининг азбоси Имин Турсундир. Адибнинг «Хавас», «Сафар сезгуларини» каби шеър тўпламлари, «Торимдан тоғчи», «Девони Залилий» сингари адабиётшуносликка олиб қатор маъмулар нашр этилган. Шунингдек, И. Турсун Хитой мутақаббил ёзувчиларининг романиларини уйғурчага таржима қилган. У Уйгур мухтор ноҳияси халқ депутатлари ва жамоат арбобидир. Меҳмонлар Тошкентнинг дилдорлар жойларини бориб кўришлар, театрларда, музейларда, ойнома ва рўномалар муҳарриратларида, мадрасаларда, мактабларда бўлиб Тошкент ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги учрашувлар ҳаёқонли ўтди. Меҳмонлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган Ўзбекистон таржима маркази ҳодимлари билан, Уйгур адабиёти кенгаши азбослари билан яқиндан суҳбатда бўлишди. Иқдор режалар белгилаб олинди. Бундай учрашувлари келажакда иқдор кенгашлар йўлнамаси билан тез-тез талқил этиб туриш ташкилланди. Биринчи учрашув ҳар доим танишувдан бошланади. Шу маънода тунишув дўстлар хурмати уйгур адабларимизнинг асарларини (Сиз, оқшомонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Исмон МАХМУД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Уйгур адабиёти кенгаши масул ўқотиб.



СУРАТДА: Тошкентда бир неча кун ра Хошимова ва шоир Исмонл Махмуд меҳмон бўлган урумчилик Имин Турсун (чапда) ёш уйгур адабси Севара ҲОШИМОВА таржимаси.

Назм дафтаридан

УМР ҚИММАТИ

Имин ТУРСУН.

Билимизда бирлик бўлмас, дейди доно,
Хам ақлсиз иқдордан чиқмас маъно
Дилнинг содиқ, белниг маҳкам бўлса
Бир кун келиб вафо қилур сенга
Чин билимни ким топибди тор
Топди Махмуд, ҳам Навоийни ш
Топмагай, бахт ҳеч ким қўлини

қовуштириб
Мур ўтса қуйгай юрак ёш
Қайси нодон кунга қарши шам
Қайси мерган қўққа ўқни бўш
Билим олмай ўтказса кимки
Жаҳолатнинг дарёсига шу
Севара ҲОШИМОВА таржимаси.

Қодир БУЛОҚ.

Ай, ўғлим, билигини, ёруғ дунёга
Эр бўлиб кўз очдинг, сан тик туриб
Эр-ватан, юртинга вафодор бўлиб,
Рақиблар кўксига ханжар уриб
Эр қўйини очкирди санга очна кенг,
Тер тўкиб ажрингни элга бериб кет.
Талғуриб гадойдан бўйин қисқинча,
Эр бўлмаб бир йўла ерга кириб кет.
Ҳасадхўр, қақичи, гийбатхўр бўлиб,
Ҳаргиз сан эл ира яшайман дема,
Яхшини ёмон деб тўхмат ёдириб,
Йўлингни тополмай пушаймон ема.
Чин ҳаёт яласан Ватан қўйинда,
Шод, эркин яшашни гурурим деб бил.
Бу чеклик ҳаётинг маънисиз ўтса,
Эл-юртинг олдидан бўлурсан хижна.

ЎҒЛИМГА

Эй, танграм, қўққаман шўм
Билимизни подонлик инсонга зиндон.
Нодонлик занжири кун-паякун бўлса
Саодат йўлида гуллайдил инсон.
Нодонимиз — қора куч келса ҳам
У ҳамон мағлубдир билим олдидан.
Нити олалар билим изламаса,
Шунинг-чун юрару доим додидан!
Билимнинг олдидан нима пул деган,
Ҳасадхўр, нодонлар пулга қўл деган.
Билимни излайди билимди кини
Билимдан очилур бахт-йўл деган.
Билимиз дунёда саодат бўлмас,
Билим ол, кўз очиб йироққа қара,
Эй, Булок, вақтинги ўтказма бекор,
Беҳудлик юракни қилгувси яра.
1. Долдидан — панада маъносидан.

Мен доимо китобхонлардан турли мавзуларга оид хатлар олам. Уларнинг қўнглиги меннинг асарларим ҳақида китобхон иқдоримга ўз фикрини айтди. Бир неча кун илгари мен қизқарли бир хат олдим. У гўё яхши ёзилмаган бир хикояга ўхшар эди.

Хат сатрлари қўнглигига бошланган: «Мен асарларимизга меҳр қўйган ҳаваскорман, сиз билан анча вақтдан бери фойибона танишиб, сирлишб келмоқдам. Езабетган хатим орқали сизга юрагимни азоблаб келётган ички кечинимларимни баён қилмоқчиман. Эҳтимол, кейин, чалик мураккаб турмуши чуқурроқ ўрганишимизга меннинг хатининг озим-кўпим фойдаси тегиб қолар. ИсмиМ ЖИНАСТА. Бу йил 30 шидан ошган бўлсам ҳам, турмушимдан хотиржам бўлолмадим. Тушунтириб айтганда, чин қалбдан севган кишига турмушга чиқиб, лекин йиллар ўтиб, орамизда чуқур бир жарлик борлигини сезиб қолдим.

Хикоямни гўзал ёшлик чоғларимдаги ҳаётимдан бошлай: мен қўнглик оқ кўнглик дўноғларим сингари ҳаётини севган, ёркин келажакка умид болган халқчи бир қиз эдим. Ойламиниз турмуш-аҳоли яхши эди. Мен ота-онамининг ёлғиз қизи бўлганим тўғайли ёшлигимдан шўх, эрки эдим. Сўларим булоқ сувидек соф, кулгиларим жарангдор эди. Одамлар мени «оқ юзлик, қўй кўзлик, қаёрилла қош, истариси иссиқ, хушбин қиз», деб таърифлашарди.

Мен богончиликка ишга жойлашдим. Гарчи илгари богончилик касбини эгалламан деб ҳаёл қилмаган эдим, бирок бу ишга тез қўнқидим. Олма, анор, анжир, нешлут ва бохи кўчатлари қораллашб ўсган гўзал боғда ишлаш, турли мева навларини етиштириш, уларни пайванд қилиш анчагина қўнглик иш эди.

Орадан бир йил ўтгандан сўнг богимизга Файзулла исмли мутахассис богдон келди. Мен бу кунни бир умр эсдан чиқармасам керак.

Саҳий кўш заррин нурларини сочар, кун ҳам гўзал эди. Боғда гаҳардек гишган ўрик дарактлари ёнча ишлардим. Узоқда богнинг бошлиғи ва Файзулла келишарди. Уни кўриш биланок юрагим тез ура бошларди. Эҳтимол унинг келишган қомати мени маълиб қилган бўлса керак. Шу кундан бошлаб уни кўрсан ҳаёқонлангандан бўлиб қолдим ва доимо йўлини топиб эдим. Кўрмага кунларим эса, бошқача хурсанд бўлиб юрарман. Шундай қилиб, орадан бир йил ўтди. Ойларлар гўжон гулган гўзал баҳор кунларининг бири эди. Эш иқдорларининг ўқиниши кузатиб юрагимда уни кўриб қолдим. Файзулла бир тул олма даракти соғисда қандайдир дафтарин кўриб ўтирарди. Мен унинг орқасидан келиб секин қардим. Дафтар вағари орасида бир жуфт атиргул ёқим тушди. Бу гул менга гўё ҳозиргина узилгандек бўлиб кўрindi.

Унга саздирай, секин орқага кетётганимда, Файзулла мени кўриб қолди ва ёнига ўтиришга таклиф қилди.

Мен бир чеккага ўтирдим. Ундан:

— Ажойиб қуритилган чиройлик гул экан. Бирор кишидан қолган хотиреми! — деб сўрадим.

— Ҳа, — деди у маънос ҳолда, — бир курсдош қиз тақдим қилган эди.

— У қиз ҳозир борми?

— Бор.

— Қерда?

— Ҳат келиб турадим!

— Ҳат ёзишмайми?

Унинг овози дарёга тушган тошдек бирдан жимиб қолди. Мен анчадан бери унинг ҳаётига қизиққанлигим учун уялсам ҳам яна савол беришга межбур бўладим.

— Курсдошимиз ёзмаса, сиз ёзсангиз бўлмайми?

— Мен хат ёзганим билан у жавоб ёзмайди. Барибир ҳаммаси бейфойда, — деди у ҳаёлга ботиб.

Шу кун оғина суҳбатлашдим, чунки унинг ёнида узоқроқ туриб қолшдан уялиб кетиб қолдим. Шундан кейин кўнглимда бир гашик пайдо бўлди; унинг яхши кўрган қизи бўлган. Ҳозир иқдорларининг ораси яхши бўлмасе керак...

Файзулла билан бора-бора дўстлашиб қолдим. Мен қўлай фурсат топиб ана ундан ҳалиги сирли гул туғисинда сўрадим. У бир оз ўйлини қолдида, қўнглидан дўстларини олди. Унда гулға ўхшаш, лобар қизининг сурати бор эди.

Расмда ой юзлик, қора соч бир қиз мағрур боқиб туради. У меннинг кўзимга ҳақиқатан гўзал кўринди. Расмга узоқ вақт қараб қолдим. Кейин нима учундир қўларим беҳишёр титраб кетди.

— Ҳақиқатан чиройлик қиз экан, — деб пичирладим.

— Ҳа, шундай. Моҳира яқиндонли ва яхши қиз, — деди Файзулла, — биз жуда меҳрибон ҳам иқдор дўстлар бўлиб, бир-биримизни севиб қолган эдик. Агар у билан яшаганимда бир умр бахтиёр бўлардим. — Унинг овози бирдан қалтираб кетди. Кўзлари ёшланди. У баъзида ҳаёқонлар ва баъзида ўз-ўзидан жаҳли чиқарди.

Мен жимгина унинг сўзларини эшитиб ўтирар эдим, ниҳоят тоқатсизлиқим сўрадим:

— Унда нима учун у қиздан узоқлашиб кетдингиз?

У кўзларини богнинг бурчагига тикиб туриб, шовмай сўзлаб бошлади.

— Моҳира мени ва ўзини бир умрлик доғда қўйди. Бу туғисинда гапириб мени учун жуда ҳам оғир, — деди ва жимлик қолди. Унинг қорамтир қириғи ўзгариб, лаблари титраб кетди. Кишини ўзига қолган қора кўзларига ёш тўлди. У сўзлаган сари, мен ҳаёқонландим, қийналиб кета бошладим. Ҳайронман, У бошқа инсон ишқиде кўймоқда. Мен-чи! Қалбимдаги ишқ ўти борган сари ловуллаб ёнмоқда, вужудимни куйдиримоқда. Тақдир нима учун бир жонни иқдоримнинг ўртамизга ташлади! Неҳотки, уни бўлиб олиш мумкин бўлса!

Яна баҳор келди. Бизнинг богончилик майдонимиз оқ, ҳаворанг, қизғиш чекчаларга бурканди. Янги ҳаёт кўрақлари кўнради. Қалбимдаги муҳаббат ҳам янги курта ёзиб, илди-ларини чуқурлаштирди.

ТЎЗИМАС ГУЛ

Хикоя

Ойламиниздагилар меннинг тўйимни қилиш ҳаракатига тушиб, азобимга азоб қўладилар. Бир кун қўлай вақт топиб Файзуллани олдиға маълоқат бердим.

— Файзулла, ота-онам тўйимни қилишга шошилишмоқда, нима қилай? Маслаҳат беринг.

— Ота-онанинг қўнглини тушуниш керак, барибир тўйини қанон бўлса ҳам қиласиз-ку, — деди у бепарво.

— Ахир, мен бирор бир кишини...

Мен қизарганча ерга қаредим. Муҳаббат кўзуси бўлган кўзларимдан, Файзулланинг кўзлариндан қалбимни издор этишге уриндим. Ва ичимда... «Файзулла меннинг кўзларимга тикилиб қаранг, нега қўққа қарасиз, кўзларини қўнглимдаги бари сўзларини айтди. Менга қаранг, мунча бешафат бўлмасангиз...» дедим.

Файзулла эса, менга қараб ҳам қўймади, шу вақтда қўлоғимга:

— Унда бир яхши йиғит танланг, — деган сўзи эшитилди. Қарасам, у ҳазил қилиб қўлиб турибди.

— Мен танлаган билан...

Нафасим ичимга тушиб кетди. Мен унга қарамасликка ҳаракат қилсам ҳам, юрагим ўз ифодасини билдиради.

Бошимни аста кўтариб унга қарашим билан иқдоримнинг кўзимиз тўқнашди. У ҳам ҳаёқонланди кетди. Меннинг сўзларим ўз эгасига тўғри етиб борганини сезиб қўнглиб кетдим...

Файзулла билан тўй қилиб муродимга етдим. Ростини айтганда, ҳаётимни бахтли кунлари тўйдан кейин бошланди. У меннинг энг яқин севикли инсонимга айланди. Юзларимдан бахт нурлари ёғиларди. Ҳаётим янада мазмунга бойиди. Бир илдан сўнг фарзанд кўрдик. Дунёга келган янги инсонга жуда қувондик.

Ярим кеча, бирдан эшикнинг гўмбурлаб урилиши уйқумизни бузиб юборди. Бир неча нотаниш кишилар ўйга бостириб киришди. Мен кўриб кетганимдан Файзуллани қўққлаб йиғлаб юбордим. Унинг бир дақиқа бўлса ҳам ёнимда туришини истардим. Улар газаб билан мени итариб Файзуллани олиб кетишди.

— Файзулла!

Дарда чулганган овозим қоронғу кеча осмонини титратиб юборди. Ҳўшимни йўқотиб йиқилдим. Табассум ўрнига ҳеч-

рамни гўнглик қоплади. Мен ундан айрилдим. Узимга келсам, бағримдаги чекелогим биллаб йиғлаб ётарди. Мен эса шифтга термулиб ҳаёл суре бошлардим. Унинг менга термулиб боққан нигоҳи кўз олдимда туманлар орасидан қараётгандек бўлиб туоларди.

Мен Файзулладан айрилганимдан сўнг жонсиз ҳайкалга ўхшаб қолдим. Дунёда фақат Файзулла учун, унинг менга қолдирган ёдгори — фарзандимиз учун яшамоқдан. Кўп ўтмай, ундан хат олдим. У фарзандимиз исмини Моҳира деб қўйишини таяншлади, лекин мен бу таклифдан ҳафа бўлдим. Ахир мен бутун умримни, гўзаллигимни, борлигимни унга тақдим қилдим-ку? Ҳозир ҳам унинг ишқиде ёнмоқдаман.

Ез ойларининг бири, осмон қўнглини қизғиш нурига бўялган эди. Шу пайт эшикдан мен учун қадрдон инсон — Файзулла кириб келди. Узимни йўқотиб қўйдим. Ҳаёқонландим. Мен ўзимни унинг иссиқ, меҳрибон бағрига отдим.

Бизлар ҳам янги, ёруғ уйларга чиқиб, эл қатори яшай бошладик. Узимни дунёда энг бахтли, хотиржам турмушга эга бўлган кишидек қувонардим.

Эрталабдан кечгача қарашини унутиб қордим, кейин ўйласам, бу менадги жўшқин муҳаббатнинг сеҳрли кучи экан.

Яна баҳор келди. Сирень гул хушбўй ҳидларини атрофга таратди. Боғда кекку сайради. Файзулла ўйчан, гагмин бўлиб қолган эди. У мен билан ниҳоятда майин, силиқ муомала қиларди. Саволигим жавоб бериб кўзларимга бир назар ташлаб кўр ва тезда ерга қараб олар эди. Доимо пиширган овқатларимни мақтарди. Ҳеч қимдан жаҳли чиқмасди. Кечки соатларда ухламай, тоғ отғинча турли мақолалар ёзиб, мева навлари устида тақдирини олиб боради. Гоҳ кунлари тақдирот натижаларини алоҳида-алоҳида йиғиб ёзар эди. Вақт ўтиши билан, у ёш болболларга қўлланма сифатида бир китоб ёзиб битирди. 3 йил мобайнида эса, яна бир йиллик асар эди. Ҳаётимизда бир қичқироқ майдончани богончиликдаги ишлар учун ажратди, у ерда турли даракларини парварши қиларди. Кунлар шу залда ўтмоқда эди... Дунёда мендек бахтли инсон кўйдек эди.

Инсон ҳар доим қийин вазиятда ўз турмушини янада яхшироқ бўлиши йўлларини қидиради. Турмуш ўз ичига турли дара-ламаларни йиққан бир бозордир. Ҳаётим ўзгара бошладим. Мен кейин нима учундир уни қутиб билан тоғ оттира бошладим. Унинг олдинги ҳаёти ва ҳозирги ҳаёти анча ўзгаргандек эди. Уйда бир-биримизга тегишлик нимедир етишмаётгандек эди. Бизга чин севги қаллик қилмаган экан. Ешил-сувлик, кечаларни бедор ўтказадиган бўлдим. Бора-бора хотиржамлигим бузилди. Бир кун кечаси чўйиб уйғониб кетдим. Уйда чиқоқ қилган, Файзулла эса креслода ширин уйқуда эди. Уни уйғотишга кўзим қиймай, секингина ёнига боришим билан қўнглига хотира дафтарига кўзим тушди. Дафтарини очиб кўрдим. Верақ орасида бир жуфт тўзимас атиргул чиройлик бўлиб турарди.

Шу кеча бутун дафтарини ўқиб чиқдим. Хотирада Файзулла билан Моҳиранинг муҳаббат тарихи ёзилган эди. Уни хотира дейишдан кўра, юксак иродоли муҳаббат қаҳрамонларининг достони дейиш яхшироқдир. Моҳира Файзулланинг юрагини, қалбини, ҳаёлини қамраб олган экан. Моҳирасиз яшаган кунлари унинг учун маъносиз, энг қийин кунлар эди. Мен жойимга бориб, бошимни кўрпага буркаб олдим. Овозим ташқарига чиқиб кетмаслиғи учун, қўларимни қон чиққоқда тийлаб, унсиз йиғладим.

Кечанинг узунлиги, тоғнинг отмагани, кўз ёшимнинг қурмаганлигига ҳайронман.

Тоғ отди. Файзулла меннинг ўзгарганимни кўриб:

— Маъангиз йўқми? — деб сўради.

— Ҳа, бошим оғрияпти, — деб жавоб бердим.

Мен қизимни етаклаб кўчга чиқдим. Кўз олдимдан ҳаётим бир-бир ўтиб боради.

Мен яхши кўрган кишининг вужудинга фақат менники экан, қалби эса ўзига тегишлилигини билмабман.

Муҳаббат шифатга муҳтож эмас экан, муҳаббат гули мангу. У ҳеч қачон тузиймайди, — бу меннинг ҳаётимдаги ўйлардир. Ох, Файзулла — ох, турмуш, ох, муҳаббат, ох, ҳаёт, сен нега мураккабсан!

У нималарни ўйлаётди экан-а!..

Хатини ўқиб бўлиб қўнглимни бир оз юмшатиш учун тоза хавога, ташқарига қараб йўл олдим.

Турсун ЮНУС,
ХХЖ. Урумчи. 1984 йил, май.
Уйғурчадан
Дилфуза ШОКИРОВА
таржимаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ-НИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Янги йил кечаси дастурхони ҳам алоҳида лид ва завқ билан безатилган бўлиши лозим. Зиефат тўкии-сочин ва серфайз ўтиши учун қандай таомлар тайёрлаш керак? Ахир Янги йил дастурхонидаги ҳар бир таом ўзининг рамзий маъносига эга. Масалан, балиқдан тайёрланган таомлар — оилави бахт-саодат ва оёйишталик тимсолидир. Агар байрам дастурхони ширинликлар ва ноз-неъматларга тўла бўлса, бутун йил бўйи ҳаётингиз ширин кечадиган нақл бор. Узум шингли эса мўл-қўлчилик, хонадондаги фаровонлик ва бахтиёрликнинг рамзидир. Нақ тун ярмида, соат бонг уриши билан ўн икки дона узум ейиш керак деб ҳисоблашади: бунда ҳар бир узум донасини бир ниятни қўзлаб ейиш лозим эмиш.

Байрам кўнглидагидай ўтиши учун уй бекаларини олдиндан қизғин таралдув кўришларига тўғри келади. Мана шунинг учун ҳам биз уларни пазандалик дўқонларига таклиф қиламиз. Бу ерда Сизлар сабавотлар, балиқ ва хамирдан тайёрланган ма-саллиқларни, тайёр хамир ва шакарпазлик маҳсулотлари ва тортларни танлаб олишингиз мумкин.

25 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ЯРИМ ТАБЕР МАСАЛЛИҚЛАР ДУҚОНЛАРИНИНГ ИШ СОАТЛАРИ БИР СОАТГА УЗАТИРИЛАДИ.

29 декабрь соат 12 дан бошлаб

Навоий номли театр қаршисидаги майдонда

АНЪАНАВИЙ ЯНГИ ЙИЛ ШАҲАР САВДО-КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАЙДИ.

Бу ерда кенг навлар қўламидаги турли хил ярим тайёр масаллиқлар, сабавотлар, балиқ ва хамирдан тайёрланган пазандалик маҳсулотлари, пишириқлар, тортлар, пирожнийлар, миллий пазандалик маҳсулотлари савдога чиқарилади. Мактаб ўқувчиларининг қ

